Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 24-iyul, payshanba № 90 (3439)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2014 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 28 июл душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2014 йил 28 июл куни дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июл

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида

Стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илғор ахборот-коммуникация ва таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш;

Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларининг стоматология факултетлари, Тошкент педиатрия институти Нукус филиалининг стоматология факултети негизида Тошкент давлат стоматология институтининг республика минтақаларидаги филиалларини ташкил этиш;

Тошкент давлат стоматология институти ҳузурида Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Тошкент давлат стоматология институти фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин;

замонавий талабларга мос келадиган ва ҳозирги замон стоматологиясининг илғор технологияларини эгаллаган стоматология соҳасининг юқори малакали тиббиёт кадрлари ва илмий мутахассисларини тайёрлаш;

стоматология, юз-жағ жарроҳлиги соҳаси ва бошқа йўналишларда, жумладан, биотехнологиялар, ҳужайра ва регенератив тиббиёт соҳаларидаги илғор ютуқлардан фойдаланган ҳолда илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш;

институт клиникалари ва унинг филиалларида аҳолига стоматология соҳасида юқори малакали даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатган ҳолда стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илғор усулларини татбиқ этиш;

республиканинг олий тиббиёт таълими тизимида стоматология соҳаси бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари асосида ахборот ва мултимедия ускуналаридан фойдаланган ҳолда илғор хорижий тажрибани жорий этиш;

стоматология соҳасидаги тиббиёт мутахассислари ва ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази:

тиш ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, илғор стоматология технологияларини, шу жумладан, юз-жағ соҳасидаги тўқималар ва органларни тиклаш чоғида остеопластика, биологик ва сунъий материалларни қўлланиш каби технологияларни жорий этиш юзасидан чуқур илмий изланишларни олиб бориш бўйича институтнинг асосий тадқиқот бўлинмаси ҳисобланади;

халқаро стандартларга мувофиқ стоматологик касалликлар диагностикаси, профилактикаси ва уларни даволашнинг илмий-методологик базаси такомиллаштирилишини таъминлайди ва шунга асосланиб, стоматология соҳасида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқади, шунингдек, стоматолог-врачларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади.

4. Тошкент давлат стоматология институтининг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Институт ректорига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда институтнинг ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида, зарурат бўлганда, ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки, 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясига ҳамда стоматология йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича республиканинг бошқа олий тиббиёт таълим муассасаларига ҳужжатларини топширган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган абитуриентлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014-2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2014 йил 26 июндаги ПҚ-2193-сонли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ Тошкент давлат стоматология институти ҳамда унинг филиалларининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларига қабул қилинадилар.

6. Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш учун 2-иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия (Р.С.Азимов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин, устав ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, институтнинг ўқув йили бошидан тўлақонли фаолият юритишни таъминлаш борасидаги бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин;

Тошкент давлат тиббиёт академияси ва бошқа олий тиббиёт таълими муассасаларининг тугатилаётган стоматология факультетларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ҳамда Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларини стоматология соҳасида амалий иш тажрибасига эга, ўқитиш ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказишнинг замонавий усулларини фаол қўллайдиган юқори малакали ташаббускор кадрлар билан таъминласин;

замонавий таълим технологиялари, энг янги ахборот ва ўқув- лаборатория асбоб-ускуналарини жорий этиш ва улардан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва дастурларини янгилаган ҳолда стоматология бўйича ўқув жараёнини ташкил этишни танқидий таҳлил қилсин ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб қайта кўриб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат стоматология институти учун 2014-2015 ўқув йилининг бошланишига такомиллаштирилган давлат таълим стандартларига қатъиян мос келадиган, стоматологияни ривожлантиришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган янги ўқув режалар ва дастурлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

бир ой муддатда Стоматология ва юзжағ хирургияси илмий-амалий марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда машҳур мутахассис ва олимларни институтда ишлашга ва дарс беришга жалб қилиш, стажировкаларни ташкил этиш ва мутахассисларни тайёрлаш, биргаликда ўқув ва тадқиқот дастурларини амалга ошириш мақсадида Тошкент давлат стоматология институти учун хорижий мамлакатларнинг илғор ихтисослаштирилган университет ва институтларидан техник ҳамкор белгилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Тошкент давлат стоматология институти фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин, унда:

Тошкент давлат стоматология институтини вақтинча Тошкент тиббиёт академиясининг Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 103-уйда жойлашган 3-сонли клиникаси ҳудудида жойлашишини;

2015 йилдан институтнинг янги бинолари мажмуи, жумладан, ётоқхона, унинг филиаллари қурилишини бошлаш учун молиялаш манбалари, жумладан, грантлар, имтиёзли хорижий кредитлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни белгилаган ҳолда жорий йилнинг охиригача зарур лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни назарда тутсин.


9. Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхат бўйича олиб кириладиган стоматологик асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, бошқа махсус асбоб-ускуна ва инвентарлар учун 2020 йилнинг 1 январигача бож тўловлари (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йиғиладиган йиғимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига 2014 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети параметрларида Тошкент давлат стоматология институти ва унинг филиалларида қурилиш ишларини олиб бориш, моддий-техник таъминлаш, шунингдек, хорижий тилларда адабиётлар сотиб олиш, журнал ва бошқа вақтли нашрлар, жумладан, ахборот-кутубхона ресурсларига обуна бўлишга мақсадли маблағлар, жумладан, зарур капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммаларига юклансин.

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 июл



«Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамияти «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги йирик корхоналардан бўлиб, завод маҳсулотлари ўнлаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинади.

Асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқараётган корхонада 24 цех фаолият кўрсатмоқда. Етти ярим мингдан зиёд ишчи-хизматчи, муҳандис ва техник ходимлар меҳнат қилмоқда.

Суратда: ишчилар Муҳаммад Саримсоқов ва Дилшод Ҳозиров.

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

НАВОИЙ

«Ун заводи» ОАЖга қарашли Маликобод нон цехида тайёрланган патирлар юмшоқлиги, тўйимлилиги, бозордагидан бирмунча арзонлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

МАЛИКОБОД ПАТИРЛАРИ

— Дастлаб ушбу маҳсулотни тажриба тариқасида ишлаб чиқараётгандик, — дейди цех раҳбари М.Муқимов. — Эндиликда талабдан келиб чиқиб ҳар кеча-кундузда 400-500 дона патир савдога чиқариляпти.

Яна бир хушхабар. Ҳадемай цех дўконларида нон маҳсулотларини пластик карта орқали сотиш йўлга қўйилади.

Баҳодир ЭГАМОВ, Қизилтепа тумани

ҚАШҚАДАРЁ

Косон туманидаги «Олтин воҳа агроинвест» фирмаси фермерлар билан ҳамкорликда деҳқонлар етиштирган сархил қовунларни Россия, Германия ва Европанинг бошқа кўплаб мамлакатларига экспорт қилмоқдалар.

ШИРИН-ШАКАР ҚОВУНЛАР ЕВРОПАГА

— Бу йил хорижга 1000 тонна қовун экспорт қиламиз, ички бозорга 500 тонна ширин-шарбат маҳсулот чиқарамиз, — дейди фирма директори Абдулҳай Номозов.

Маҳсулотни жўнатиш олдидан ҳар бир қовун Италиядан келтирилган махсус қадоқловчи ускунадан тайёрланган гавро-картонли қутиларга жойлаштирилиб, дастлаб замонавий совутгичларда сақланади, сўнгра ҳароратни мўътадил сақлаб турувчи автомашиналарга юкланади ва чет эллик харидорларга асл ҳолида етказиб берилади.

Қўли гул инсонларнинг фидойи меҳнати билан етиштирилган ширин-шакар қовунлар чет эллик харидорларга манзур бўлмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Наманганда ҳудудларда ижтимоий шерикликни юксалтириш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлаш, грант маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлашнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, давлат грантлари танловларида иштирок этишнинг тартиби, лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг омили, маблағлардан мақсадли фойдаланишнинг усули, бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда грант танлови ғолибларига сертификатлар топширилди.

ЎзА

Энг фаол ёш мутахассис

***Юртимизда ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларда ўзи танлаган касбга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилди, десак адашмаймиз. Ушбу Қарор ижросини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Федерация Кенгаши томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танлови бу борадаги ташаббуслардан бири бўлди.*

Эътироф сурури

Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 20 та йўналишдаги мутахассисликлар бўйича ўтказилган танловнинг 1-босқичида 4,5 мингга яқин корхонада меҳнат қилаётган 12 минг 623 нафар ёш мутахассис иштирок этди. Аҳамиятли томони шундаки, турли соҳаларда тадбир иштирокчилари томонидан яратилаётган янги инновацион ишланма ва кашфиётлар амалиётга татбиқ этила бошланди.

***

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган мазкур танловнинг «Энг фаол ёш олим» йўналиши бўйича республика босқичида яна кўплаб иқтидор соҳиблари аниқланди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган танловда турли соҳалар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган, ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан 8 нафар ёш мутахассис ўзаро беллашди.

Танлов шартларида ёшларнинг илм-фан йўналидаги изланишлари, тадқиқотлар самарадорлигини оширишга қаратилган услуб ва тажрибалари синовдан ўтказилди. Хусусан, уларнинг хорижий давлатларнинг нуфузли илмий муассасаларида малака оширганлиги, янги ихтиролар, илмий-техник ишланмалари, эришган натижаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, фанга доир монографиялари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари, чет элда ҳамда республикамизда нашр қилинган илмий-оммабоп мақолалари, халқаро ва маҳаллий конференциялар, илмий-техник дастур ва грантлардаги иштироки ҳисобга олинди.

(Давоми 2-саҳифада).

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув



Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Навоий вилоятини Ўзбекистоннинг олтин сандиғи дейиш мумкин.

Ҳаммамизга яхши маълумки, ҳозирда кўпгина давлатлар Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Чунки қисқа давр мобайнида барча соҳаларда катта силжишлар, салмоқли ўзгаришлар юз берди. Бунда, ҳеч шак-шубҳасиз, меҳнаткашларнинг яқин кўмакдоши — касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ўрни бор.

ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ ШУКРОНАСИ

Бош келишув асосида вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида тузилган ҳудудий (минтақавий) келишув меҳнаткашлар манфаатларини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилаяпти. Жамоа шартномасини тўлиқ татбиқ этиш туфайли меҳнат муҳофазаси, аъзолар саломатлигига эътибор кучайди. Спорт, маданий-маърифий ишлар самарадорлиги ортди. Муҳими, ўнлаб, юзлаб бошланғич ташкилотлари ўз иш услубини намунали талаблар даражасига олиб чиқишга муваффақ бўлди.

Вилоят бўйича 201 минг 950 нафар касаба уюшма аъзоси 1219 та корхона ва ташкилот таркибида эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётир. «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳам ижтимоий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда. Жорий йилда 3000 нафардан зиёд кам таъминланган оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилгани ҳолда, ўтган вақт ичида 1397 нафарига касаба уюшма маблағидан 92 млн. 288 минг, корхона ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан 51 млн. 603 минг сўм сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 1000 нафар оилалар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув қуроллари харид қилиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтгача 450 нафар ўқувчиларга касаба уюшма маблағи ҳисобидан 3 млн. 576 минг 500, корхона ва ташкилотлар маблағидан эса 1 млн. 292 минг сўмлик ёрдам уюштирилди. Бу ишлар ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аъзолар манфаатини ҳимоя қилиш сингари жараёнларда ҳам давом эттирилаётир.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Ishonch

2014-yil 24-iyul № 90 (3439)



Эътироф сурури

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

«Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусидаги савол-жавобларда иштирокчилар меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ҳамда ёш педагогларга берилаётган имтиёз ва ҳуқуқлар борасидаги билимларини намойиш этишди. Шу билан бирга, ёш тадқиқотчилар илмий фаолиятини инглиз тилида баён қилдилар.

— Маълумки, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қиладиган йирик ижтимоий институт ва жамоат ташкилоти ҳисобланади, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси, ишчи гуруҳ аъзоси Лазокат Турикова. — Танловдан кўзланган мақсад эса, касаба уюшмалари илм-фан ва техникада ютуқларга эришган, инновацион ғоялари ва ижтимоий фаоллиги билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшаётган истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ҳамдир. Ёш мутахассислар яратаётган янгиликлар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ҳакамлар хулосасига кўра, «Энг фаол ёш олим» танлови ғолиблари ва «Энг илмий салоҳиятли олим», «Энг иқтидорли олим», «Энг заковатли олим» каби номинациялар совриндорлари аниқланди.

Танловда 1-ўрин ЎзФА «Физика-қуёш» институти катта илмий ходими Ойбек Абдулхаевга насиб этди. Кейинги ўринларни Бухоро давлат университети академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Отабек Қаххоров ҳамда Фарғона политехника институти «Менежмент» кафедраси катта ўқитувчиси Жамолиддин Қамбаров эгаллади.

Ғолиблар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Илм билан шуғулланишнинг масъулияти катта, — дейди танлов ғолиби Ойбек Абдулхаев. — Бунинг ортида машаққатли меҳнат туради. Танловда «Кўп тўсиқли қўшни тўсиқлари туташган тузилмалар асосида янги турдаги ярим ўтказгич асбоблар ва уларни олиш технологияси» мавзусидаги илмий ишим билан қатнашдим. Меҳнатимни муносиб тақдирлашганидан хурсандман. Ташкилотчиларга эътибор ва рағбат учун иштирокчилар номидан миннатдорлик билдираман.

***

Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган танловнинг «Йилнинг энг фаол ёш геолог» йўналиши бўйича Республика босқичи ҳам қизғин кечди. Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал-ресурслар қўмитасида ташкил этилган тадбирда тизимдаги корхоналарда меҳнат қилаётган 13 нафар ёш мутахассис беллашди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олганлар юртимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва унинг самараси хусусида алоҳида тўхталиб, тадбир қатнашчиларига омад тилашди.

Шундан сўнг ёш мутахассисларнинг таклиф ва фаолиятлари мужассамлашган слайдлар воситасидаги тақдимотлари намойиш этилди.

— Ушбу танлов ёш геологларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида юқори самара бераётган ишлари, хусусан, фойдали қазилма конларини излаш, қидириш, уларнинг металлогенияси, минералогияси, нодир ва рангли металлар геологияси, камёб ер элементлари геологияси, ер ости табиий маъдан конларининг жойлашиш қонуниятлари, фойдали қазилмалар захирасини ўстириш, геофизика, геокимё, геоэкология ва бошқа қатор йўналишлардаги геология-қидирув ишларининг самараси ва сифатини оширишга қаратилган илмий-техник лойиҳа ҳамда ихтироларини юзага чиқариш имконини берди, — дейди Ўзбекистон нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ғофур Ҳамидов. — Ёш мутахассисларнинг мазкур ишланмаларини рўёбга чиқариш, ўз навбатида, янги-янги ер ости фойдали қазилма конларининг очилиши ҳамда мамлакатимиз минерал-хом ашё базасини мустаҳкамлашга замин яратади.

Танлов давомида иштирокчилар тақдим этган ишлар ва ҳужжатлар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилди ҳамда ғолиблар номи эълон қилинди.

Натижаларга кўра, «Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти» давлат корхонасининг муҳандис-геологи Шамсиддин Алимов биринчи, «Марказий геология-геофизика экспедицияси» давлат корхонасининг 1-тоифали геологи Александр Головко иккинчи, «Ялпи геология излаш-тасвирлаш экспедицияси» давлат корхонаси геология бўлимининг бошлиғи Мақсуд Ризаев учинчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, ёш мутахассисларнинг ўзи танлаган касбга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини ошириш, иқтидорли ёш ходимлар ўртасида соғлом рақобат яратиш орқали уларни янги ғоялар сари ундаш мақсадида ўнга яқин рағбатлантирувчи номинациялар совриндорлари аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни суҳбатга тортдик.

Ш.АЛИМОВ, «Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти» давлат корхонасининг муҳандис-геологи:

— Бугунги кунда қимматбаҳо металлар минерал хомашёси базасини кенгайтириш, тоғ-кончилик соҳаси ривожланган ҳудудларда маъданларнинг табиий турларини аҳратиш, уларнинг ҳосил бўлиш шароити ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади. Тадқиқотларимнинг асосий йўналишлардан бири тадқиқ қилинаётган ва типик олтин конларининг геологияси ва маъданларининг моддий таркиби бўйича маълумотларни умумлаштириш ва тартибга солиш, Балпантов ва Янги Довон конларини геологик-минерологик ва технологик хариталаштириш методикасини ишлаб чиқишга қаратилган. Мазкур илмий ишларим бўйича чет мамлакатларда етук олимлар билан фикр алмашиб келдим. Қувонарлиси, «Энг фаол ёш геолог» танловида ғолиб бўлдим. Айтиш керакки, бу каби тадбирлар биз ёшларнинг илмий ғоя ва изланишларимизни ишлаб чиқаришга тўлиқ татбиқ қилиш имконини беради.

М.РИЗАЕВ, «Ялпи геология излаш-тасвирлаш экспедицияси» давлат корхонаси геология бўлими бошлиғи:

— Геология тизимидаги энг катта корхонада меҳнат қиламиз. Дала геологик қидирув гуруҳимиз корхонамизнинг энг катта ишчи гуруҳи ҳисобланади. Гуруҳимизнинг бугунги кунда 9 та лойиҳаси мавжуд. Улар асосан Қизилқум ҳамда Чотқол тоғларида жойлашган бўлиб, геология қидирув ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун барча қулай шароитлар яратилган бўлиб, замонавий техника ва компютер дастурлари ёрдамига суянамиз. Лойиҳаларимизнинг барчаси бугунги кунда самарали натижалар бермоқда.

«Энг фаол ёш геолог» танлови ғолиблари сафида эканлигим менга янада куч-ғайрат бағишлади. Келгусида геология соҳасидаги билимимни мустаҳкамлаб илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш ниятидаман.

***

Танлов доирасида аниқланган энг фаол ёш мутахассислар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» республика Форумига йўлланма олишди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, самарадорлиги ва рентабеллигини оширишни таъминлайдиган моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига доир кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ДАСТУРХОНЛАР ТЎКИН

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, айтиш мумкинки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлди. Вилоятимизда 1317 та пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, улар 108.375 гектар майдонда баракали меҳнат қилишмоқда.

Дала шароити ўзига хос ёндашувни тақозо этади, албатта. Шу боисдан, даставвал деҳқон ва фермер хўжаликларида фаолият юритаётган меҳнаткашлар манфаатини тўлиқ ҳимояга олиш мақсадида уларни тизим сафига жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Узумчилик, мева-сабзавот етиштириш билан шуғулланувчи, таркиби кам сонли ишчилардан ташкил топган жамоаларни ҳар бир туман кенгашлари қошида жорий этилган бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибига тортмоқдамиз.

Аҳолини сифатли, арзон мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш учун вилоятда талай ички имкониятлар мавжуд. Фермер хўжаликларида ошқовоқ, тарвуз, ловия сингари экинлар экиб, парваришланмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларда картошка, сабзи, мош, тариқ, шолғом сингари экинларни етиштириш, шу йўл билан заминдан унумли фойдаланиш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Касаба уюшмалари томонидан фермер хўжаликларида фаолият юритаётган аъзоларга меҳнат дафтарчаси очиш масаласи ҳамиша диққат марказимизда. Самарадорликка эришиш мақсадида ҳар бир туманда ишчи гуруҳлар тузилган бўлиб, улар томонидан меҳнат муносабатларининг ҳаққонийлиги ўрганилаётир. Ишчи ва деҳқонларга эса ўз ҳақ-ҳуқуқи, тизим имтиёзлари тушунтириб борилмоқда.

Баҳодир АСЛОНОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ҳамда ишлаб чиқаришдаги маиший шароит муттасил ўрганилиб, аниқланган нуқсон ёки камчиликлар юзасидан тегишли тақдимномалар киритилмоқда. Хусусан, 238 та бошланғич ташкилотларда аниқланган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 1790 та меъёр бузилишлари тизим мутасадди бўғинлари аралашуви билан бартараф қилинди. 238 та бошланғич касаба уюшма ташкилотига эса меҳнатни муҳофаза қилиш борасида услубий ҳамда амалий ёрдамлар уюштирилди.

Одамлар бекордан-бекорга остона ҳатлаб, у ёки бу ташкилотга мурожаат қилмайди. Ҳар бир хат ёки мурожаат ортида фуқаро манфаати турганлигини унутмаслигимиз лозим. Жорий йилнинг ўтган даврида бирлашма юридик бўлимига 45 та ёзма, 48 та оғзаки ва 35 та «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг аксарияти меҳнат шартномаларини ғайриқонуний бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва интизомий жазо қўлланиш, иш ҳақи, компенсация, мукофот пуллари, нафақа ёки бошқа тўловлар ҳақида бўлиб, уларнинг барчасига қонунда белгиланган муддатларда жавоб берилди.

Бирлашманинг веб-сайтида фуқароларнинг мурожаати юзасидан алоҳида рукн ташкил этилган ва фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар билан исталган пайтда мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида вилоят ҳамда марказий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Учинчи мингйиллик болаларини ҳар жиҳатдан етук, баркамол қилиб тарбиялаш, улар учун ҳаётнинг барча пиллапоясида зарур шароитлар яратиб бериш биз катталар зиммасидаги муҳим вазифа бўлиб, дам олдириш ва соғломлаштириш мавсуми ана шу масъулиятни ҳис қилиш учун айни палладир.

Бу йил вилоятда 16020 нафар ўғил-қизларни соғломлаштириш кўзда тутилган. Улардан 9 минг 520 нафари Навоий кон-металлургия комбинати оромгоҳларида, 2000 нафар болажон шаҳардан ташқари оромгоҳларда, 4 минг 500 нафар ўғил-қизлар эса маҳаллий бюджет, корхоналар ва ҳомийларнинг маблағи ҳисобидан ўз соғлиғини тиклайди. Шу кунларда 12 та шаҳардан ташқари ва 25 та кундузги мактаболди оромгоҳларда кўтаринки кайфият ҳукмрон. 15-18 ёшли ўсмирлар учун эса «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари фаолият юритаётир.


Қувонарли томони, бирлашма тасарруфидаги «Ишонч» оромгоҳи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Манзилли дастурига мувофиқ қайта таъмирланиб, замон талаби асосида жиҳозланган ва барча қулайликка эга сўлим гўшага айланди.

Эътиборни тортадиган яна бир жиҳат шуки, жорий йилда

НАВОИЙ

Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси тасарруфидаги «Золотинка» оромгоҳида вилоятимизнинг чўл ҳудудидаги кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 600 нафар фарзандини бепул соғломлаштириш режалаштирил-

ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ



Йўлингиз тушиб, Навоий КМКга қарашли 1-Гидромеханика заводи тасарруфидаги «Бургутча» (Орлёнок) оромгоҳида бўлсангиз, назарингизда дунё шодликлари шу мўъжаз масканда жамлангандек таассурот қолдиради. Саноқсиз бобочинорлар, тангадек офтоб тушмайдиган йўлаклар, зилол сувлар 17 гектарлик боғ бағрига оромбахш салқинлик ҳадя этиб турибди. Кичик, ўрта ва катта ҳажмдаги чўмилиш ҳавзалари, рангин фавворалар, турфа ўйингоҳлар янада тароватли.

БЕҒУБОР ЛАҲЗАЛАР

— Масканимизда ҳар босқичда 540-550 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилади. Уларнинг маълум қисмини кам таъминланган, кўмакка муҳтож оилаларнинг дилбандлари ташкил этади, — дейди оромгоҳ директори Зулайҳо Адизова. — Завод маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ҳар бир юмушнинг сифатли бажарилишини қатъий назоратга олганлиги туфайли бугун шундай шароитга эга бўлиб турибмиз. Болажонлар кун бўйи севимли эртак қаҳрамонлари қуршовида, меҳр-эътиборда бўлиши учун қўлимиздан келган барча ишни қилаяпмиз. Кадрлар таркибини синалган, ташкилотчи ва фидойи мутахассислар билан тўлдирдик. Марям Азимова, Донел Юн, Элнур Болиев, Наргиза Боитова, Дилноза Саидова сингари соҳа фидойилари турли тўгарак ва халқ ўйинлари орқали болажонлар қалбига йўл топишаётир.

Имкониятдан фойдаланиб, ёзги театрда бошланган «Энг қувноқ, энг зукко» тадбирида

Тизимда юз бераётган такомиллашув меҳнаткашлар ишончи тобора ортишига сабаб бўлаётир.

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 235 та нодавлат ташкилот уюшма сафига тортилиб, аъзолар 1627 нафарни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоизга кўп демакдир. Мавжуд имкониятларни ишга солишда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси ва барча тармоқ туман кенгашларининг муносиб ҳиссаси бор. Айнан уларнинг ташаббускорлигида 108 та нодавлат корхона ва ташкилотда бошланғич ташкилот тузилди. Шу йўл билан 637 нафар аъзо касаба уюшмалари томонидан кўрсатилаётган кенг имкониятдан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси ҳудудий кенгашларининг тизим мақоми ҳамда аъзолар сонини оширишга қаратилган саъй-ҳаракати ҳам яхши самара бераётир. Улар томонидан сўнгги ойларда жалб қилинган 67 та нодавлат ташкилот таркибидаги 440 нафар ходим аъзолар сафини тўлдирди.

Касаба уюшмаларининг афзалликлари, моддий ва маънавий имтиёзлар борасида тўпланган тарғибот-ташвиқот ишларида қўл келмоқда. Вилоят марказидан анча олисда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат корхона ва ташкилотларида ҳудудий давра суҳбатлари ўтказилиб, тушунтиришлар олиб бориляпти.

М.ШАМСИДДИНОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Дарҳақиқат, болаликдан жисмонан ва руҳан тетик бўлиб вояга етган инсонларгина матонат кўрсатишга қодирдирлар. Шу сабабли мамлакатимизда инсон саломатлиги давлат эътиборида бўлиб, жорий йилнинг Соғлом бола йили дея номланишида ҳам улуғ ишлар изчиллиги намоёндир.

Мақсуда Ҳамроева, Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

— Соғлом авлодни тарбиялаш — давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш билан баробардир. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 1 июлда имзоланган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорларининг ҳаётга татбиқ этила бошлаганига ҳам беш йилдан ошаяпти. Ўтган даврда соҳада катта ўзгаришлар юз берди. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш йўлида изчил сафарбарлик амалга оширилди. Жумладан, вилоят туғруқхона мажмуаси перинатал марказга айлантирилиб, комплекс хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмасидаги туғруқ комплекси замонавий тарзда капитал таъмирланди.

Вилоят марказидан анча олис бўлган Зарафшон шаҳри ва Томди туманларида кўп тармоқли поликлиника ишга туширилди. 2011 йилда Янги Томди қўрғонида замонавий шифохона мажмуасининг биринчи навбати, 2012 йилда эса иккинчи навбати — 80 ўринли шифохона тўлиқ фойдаланишга топширилди. Айнан ана шу йиллар ичида қиймати 1 млрд. сўм бўлган вилоят ОИТС маркази қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

«Саломатлик-1» лойиҳаси асосида 89 та ҚВП 99 турдаги 2.5 млрд. сўмлик жиҳозлар билан, «Саломатлик — 2» дастури бўйича эса 47 та ҚВП 1.2 млрд. сўмлик жиҳозлар билан бойитилди. Осиё тараққиёт банки томонидан 8 та туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқхона мажмуалари ва вилоят перинатал марказига 1,5 млрд. сўмлик юқори технологияли тиббий аппаратуралар етказиб берилди. Шунингдек, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг болалар муассасалари Хитой давлатининг гранти асосида 8 турдаги 126 та тиббий асбоб-ускуна билан таъминланди. Соғлом бола йилида болалар саломатлигига эътибор янада кучайтирилиб, тиббий кўриклар савияси оширилди.

Дастлаб, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда юқори малакали шифокорлари иштирокида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида кенг қамровли тиббий кўрик ўтказилган эди. Кейинроқ «Тошкент — Тинчлик — Конимех — Мустақиллик — Бузоубой — Учқудуқ — Тошкент» йўналишида ташкил этилган «Саломатлик» поезди мутахассислари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож 1937 нафар фуқаро чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик давомида аниқ лаборатор таҳлилларга ва замонавий текшириш усулларига таянган ҳолда ташхислар қўйилди. Касаллик аниқланган беморлар ва ўсмирларга амбулатор шароитда, шунингдек, туман, вилоят миқёсидаги шифохоналарда даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Толиб Умеров, вилоят она ва бола скрининги маркази директори вазифасини вақтинча бажарувчи:

— Болалар саломатлиги йўлидаги ғамхўрлик ҳали ҳомила она қорнида ривожланаётган пайтидаёқ бошлаб юборилмоғи лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 мартдаги «Болаликдан ногирон-


лар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳомиладор аёлларни ҳисобга олиш ҳамда уларни шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларида оммавий перинатал ультратовуш скринингдан ўтказишни тизимли равишда ташкиллаштириш белгиланган.

Маълумки, ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-гинетик хизмат кўрсатиш ва ривожланиш нуқсони билан туғилишнинг олдини олиш учун ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказиш лозим бўлади. Марказимизда болаликдан ногиронликнинг олдини олиш мақсадида ҳомиладорликнинг 14-20 ҳафталигида туғма ва ирсий касаллик-

Ishonch
2014-yil 24-iyul № 90 (3439)

АЗИЗДИР ИНСОН!





ЎзА суратлари

Ёруғ истиқболга интилаётган халқимизнинг хоҳиш-истаги — адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Истиқлол эса халқимизнинг бир тан-бир жон бўлиб, кўзлаган мақсад сари дадил одим ташлашига кенг йўл очиб бераётир.

КЎРКАМ ВА МУҲТАШАМ

Айтиш мумкинки, кўҳна воҳа ўзининг узоқ тарихи ва теран илдизларига эга. Буни қадим обидалар, Қосим шайх, Ориф Деггароний каби азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжолари мисолида кўришимиз мумкин.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Навоий вилояти деганда бу гўзал воҳанинг бетакрор табиати, чексиз чўл ва далалари, бепоён яйловлари билан бирга, улкан саноат минтақаси кўз олдимизда намоён бўлади. Вилоят маркази — Навоий шаҳри мамлакатимизнинг энг сўлим ва озода, тартибли ва меҳмондўст гўшаларидан.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Шарқни Ғарб билан боғловчи Буюк Ипак йўли ҳудудида жойлашган Кармана шаҳри, Нурота каби қадимий манзиллар қайтадан таъмирланиб, обод манзилга айлантирилди. Работи Малик, Тошмасжид, Чилустун, Кўкгумбаз каби обидалар, Мир Саид Баҳром, Ҳожа Хусрав мақбаралари, Работи Малик сардобаси эндиликда давримизга хос талқинда чирой очиб, салобат тўкиб турибди. Нурли манзиллар макони саналмиш Нуротадаги «Чашма» мажмуаси ва Шоҳимардон меъморий мажмуасидан ихлосмандлар қадами узилмайди. Қайд этилган барча ютуқларимизни айнан улуғ неъмат бўлмиш истиқлол шарофатидан деб биламиз.

Кейинги 3-4 йилда деярли барча соҳада ижобий силжишлар юз берди. Магистрал ҳамда ички йўллар янада созланди. Маҳалла-ю хиёбонлар таъмирланди ва обод этилди. Марказдан анча олис бўлган аҳоли яшаш манзилларида газ, ичимлик суви таъминоти йўлга қўйилди.

Навоий шаҳарсозлиги ўзига хос услубга эга. Бир-биридан хушбичим ва кўркам бинолар вилоят маркази қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Янгибозор ҳудудидаги «Гулобод» савдо комплекси, муҳташам «Амфитеатр», «Ёшлар маркази», кўп қаватли турар-жой бинолари шулар жумласидан. Марказий истироҳат боғида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам эътиборга молик.

Навоий вилоятида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларига тайёргарлик арафасида ўнлаб спорт иншоотлари қурилиб, болалар ва ўсмирлар ихтиёрига топширилди. Талаб даражасида бунёд этилган «Ёшлик» спорт мажмуаси, унинг ёнида 11 минг томошабинга мўлжалланган стадион ҳамда 2 та спорт аренаси, Олимпия захиралари коллежининг биноси кабиларни бирма-бир санаш мумкин. Темир йўл вокзали, халқаро аэропорт, ҳудудларни боғлаб турган равон йўллар... Яхшиси, имкон топиб бир келинг, олам-олам таассуротларга эга бўласиз.

Касаба уюшма аралашуви билан...

Кўпинча мамлакатимизда амал қилаётган меҳнат қонунчилигига лоқайд ходимлар иш берувчига ташвиш туғдиради. Самарқанд шаҳридаги ОИТС марказида ишлаб келган Дилноза Сатторовани эгаллаб турган вазифасидан четлатишда эса иш берувчининг қонунларга бефарқлиги кўнгилсиз вазиятни келтириб чиқарди.

Вақтида қилинган мурожаат

Д.Сатторова касаба уюшмаларига мурожаат қилиб, ноҳақ ишдан бўшатилганини билдирди. Текширувлар натижасида, ҳақиқатан ҳам ходим марказнинг пулли хизмат бўлими лаборанти вазифасида ишлагани, 2012 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурият таклифи, ўз розилиги билан ҳомиладорлик таътилига чиққан О.Норованинг ўрнига лаборатория бўлимига лаборант вазифасига ўтказилгани аниқланди. Бироқ жорий йилнинг май ойида О.Норова ҳомиладорлик таътилидан қайтади. Қонун бўйича Д.Сатторова ҳомиладорлик таътилидан қайтган ходимга ўрнини бўшатиб бериши ва ўз ишга қайтиши керак эди. Бироқ маъмурият Дилноза Сатторовани ишдан бўшатишни маъқул кўрган. Ҳуқуқшунослар томонидан марказ раҳбариятига қонун талаблари тушунтирилгач, ходим ўз ўрнига тикланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, касаба уюшмаларига вақтида мурожаат қилинганлиги масаланинг осон ечим топишига имкон берди.

Фаррух САЪДУЛЛАЕВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими бошлиғи

Сўраган эдингиз

Савол: Бувим анча йиллар илгари вафот этган. Яқинда унинг вафоти ҳақидаги далолатнома зарур бўлиб қолди. Менга уни вилоят ФҲДЁ архивидан олишим мумкинлигини айтишди. Айтинг-чи, далолатнома ёзувларининг сақланиш муддати қанча?

Турғун НИЁЗОВ,
Самарқанд шаҳри

Жавоб: Туғилганлик, никоҳ ва ўлим ҳақидаги далолатнома ёзув дафтарлари ФҲДЁ бўлимларида ҳам, вилоят ФҲДЁ архивларида ҳам 75 йил давомида сақланади. Бу муддат ўтгандан сўнг далолатнома ёзувларининг биринчи нусхалари адлия бошқармалари ФҲДЁ архивларига топширилади. Архив далолатнома ёзувларининг ҳар иккала нусхалари солиштирилиб, эскирган, ўчиб кетган ёзувлар сақланаётган ёзувлар билан алмаштирилади. Етишмаган ёзувлар тўлдирилиб, тегишли расмийлаштиришдан сўнг сақлаш учун Марказий давлат архивига топширилади.

Саволга Самарқанд вилояти ФҲДЁ архиви мудираси Марина КУКАНЯНЦ жавоб берди

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 июндаги 148к-ПО-сонли ва 2014 йил 16 июндаги 149к-ПО-сонли буйруқларига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2014 йил 21 июлда ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижасига кўра сотилган давлат активлари

1. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 24-«Б»-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 165,0 кв.м., 2 қаватли ертўлали бинонинг қисми, бошланғич баҳоси — 424 604 301 сўм, сотилиш баҳоси–650 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отатурк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 93,0 кв.м., савдо дўкони қисми, бошланғич баҳоси–270 654 263 сўм, сотилиш баҳоси — 580 000 000 сўм.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг қарорига асосан тугатилаётган корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари икки ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимияти 32-34-хона, Фарғона йўли 21-уй манзилгоҳи бўйича қабул қилинади.

№	КОРХОНА НОМИ	МАҚОМИ	Хўжалик судининг қарори	
			рақами	санаси
1	MULTIMEDIA PLUS	МЧЖ	10-1412/9071	25.06.2014
2	IMORAT-QURILISH-TA MIRLASH SERVIS	МЧЖ	10-1412/9068	25.06.2014
3	DINA AVTO TRANS	МЧЖ	10-1412/9072	25.06.2014
4	POWER AUTO TRANS	МЧЖ	10-1412/9073	25.06.2014
5	BARAKA FARM SAVDO	МЧЖ	10-1412/9074	25.06.2014
6	MUZAFFAR HALOL TAOMLARI	ХК	10-1412/9075	25.06.2014
7	MASHIN VEST INJENIRING	ОК	10-1412/9076	25.06.2014
8	RADIAN-GOLD	МЧЖ	10-1412/9077	25.06.2014
9	ARSENAL UNIVERSAL	ХК	10-1412/9064	25.06.2014
10	ARKIN DESIGN	ШК	10-1412/9087	25.06.2014
11	LUCKY FLOURISHING	МЧЖ	10-1412/9078	25.06.2014
12	ROPE ACCESS	МЧЖ	10-1412/9079	25.06.2014
13	AKRAM-INVEST	МЧЖ	10-1412/9083	25.06.2014
14	URARTU UYUT SERVIS	МЧЖ	10-1412/9084	25.06.2014
15	ABDUMALIK-FAYZ	МЧЖ	10-1412/9085	25.06.2014
16	MUXAMMAD ALI LAZZATLI TAOMLAR	МЧЖ	10-1412/9086	25.06.2014
17	SYSTEM LEASING	МЧЖ	10-1412/9081	25.06.2014
18	XORAZM LYUKS	МЧЖ	10-1412/9082	25.06.2014
19	ALFA CENTAUR	МЧЖ	10-1412/9080	25.06.2014
20	BIMARK	МЧЖ	10-1412/9089	25.06.2014
21	MAXSUSELEKTR TARMOQ QURILISH INVEST	МЧЖ	10-1412/9067	25.06.2014
22	UMID DEKLARANT SERVIS	МЧЖ	10-1412/9066	25.06.2014
23	SHAKIROV DILSHOD MAHMUDJANOVICH	МЧЖ	10-1412/9062	25.06.2014
24	PARK MISOOK	ХК	10-1412/9065	25.06.2014
25	ABDURAHMON 0 G LI UMIDBEK	ХК	10-1412/9069	25.06.2014
26	TOSHKENT BUNYOD BIZNES	МЧЖ	10-1412/9070	25.06.2014
27	AXMAT AVTO TRANS SERVIS	ҳф	10-1412/9040	25.06.2014
28	FERUZA BONU SERVIS	ХК	10-1412/9049	25.06.2014
29	ZOS GROUP	МЧЖ	10-1412/9050	25.06.2014
30	VOLCANO SERVICE	МЧЖ	10-1412/9051	25.06.2014
31	SEZAM TRADE	МЧЖ	10-1412/9052	25.06.2014
32	LIRUMAX EXCLUSIVE	МЧЖ	10-1412/9053	25.06.2014
33	AYAXT-TKAN MCHJ	МЧЖ	10-1412/9054	25.06.2014
34	ZELAX EXCLUSIVE	МЧЖ	10-1412/9055	25.06.2014
35	MEGA VIP EXPORT	МЧЖ	10-1412/9056	25.06.2014
36	PERFECT PAYMENT SERVICE	МЧЖ	10-1412/9057	25.06.2014
37	FIFTH SEASON	ХК	10-1412/9059	25.06.2014
38	SHAXRIDDIN TEXT	МЧЖ	10-1412/9058	25.06.2014
39	MILLENNIUM SILVER	МЧЖ	10-1412/9060	25.06.2014
40	PROSVET INTEGRA	МЧЖ	10-1412/9061	25.06.2014
41	SAFO-DIYOR	МЧЖ	10-1412/9063	25.06.2014

Хизматлар лицензияланган.

Касаба уюшма етакчилари ҳамда фаоллари билимли, ташаббускор, тизим муаммоларидан бохабар бўлиши лозим. Шундагина аъзолар ҳимояси осон ечим топади. Иш берувчи билан олиб бориладиган музокаралар самарали кечади. Кармана туманида жойлашган «Навоий Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамиятига қарашли «Зарафшон пахта сервис» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Дилмурод Мирзаев фаолияти бунга бир мисолдир.

ЖОНКУЯР ЕТАКЧИ

Мазкур жамият 2007 йил ташкил этилган бўлиб, дастлаб унинг таркибидаги биолаборатория туман фермерлари ўртасида оғизга тушди. Бу ерда тайёрланаётган «Олтин куз», «Трихограмма», «Брокон» биомаҳсулотлари пахта ширасини, кўсак қуртига қарши курашишда жуда қўл келди. 2008 йилга келиб эса жамият қошида ёрдамчи ҳўжалик сифатида паррандачилик цехи ишга туширилди. 20 минг жўжа очиб чиқариш қувватига эга цех бугунги кунда тубдан таъмирланиб, ички имконият янада кенгайтирилмоқда.

Жамият қошида хизмат кўрсатиш цехи ҳам фаолият кўрсатаётир. 50 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган цех ҳозирда «Зарафшон ип йигирув» МЧЖ сифатида алоҳида фаолият юритиб келмоқда.

— Кўпнинг ҳурматини қозониш, ишончига сазовор бўлиш катта бахт эканини шу кунларда теран англай бошладим, — дейди намунали бошланғич ташкилот етакчиси Д.Мирзаев. — Иш берувчи билан 62 нафар аъзо манфаатини кўзлаб тузилган жамоа шартномаси ҳар жиҳатдан ўзини оқлаяпти. Раҳбаримиз Султонмурод Турсунов кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган киши. Бирон таклиф ёки ташаббус билан қабулига кирсак, ҳеч бир пайсалга солмай, зарур имкониятни яратиб беради. Ҳамжиҳатлигимиз туфайли кам таъминланган, фидойи ишчилардан 6 нафарига бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан сафимиздаги 17 нафар хотин-қизга манзилли ёрдам берилди. Жорий йилнинг ўтган даврида икки нафар аъзомиз «Чортоқ» сиҳатгоҳида саломатлигини тиклаб қайтди. Дарвоқе, корхонада аъзоларга наф келтириш мақсадида 26 сотихлик иссиқхона барпо қилинган. Унинг 6 сотихида лимон етиштирилаяпти, 20 сотихида эса помидор, бодринг ва бошқа полиз экинлари анча эрта етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Туманимиз вилоят марказига туташ бўлгани сабабли, сафимиз тобора ортиб бораётир. Келгусида яна қатор бошланғич ташкилотларимизни намунали қилишга ҳаракат қиламиз.

Ўткир РАЖАБОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кармана туман кенгаши раиси

Касб-ҳунар азалдан турмушнинг моддий ва маънавий асоси бўлиб келган. Зеро, «Ҳунар бўлса қўлингда, нон топилар йўлингда» деган нақл бежиз эмас. Айнан шу сабабдан касб-ҳунар коллежлари фаолиятига алоҳида аҳамият қаратилаётир.

ЙЎЛЛАНМА БИЛАН

2013-2014 ўқув йилида 47 та касб-ҳунар коллежини 16131 нафар ўқувчи битирди. Улардан 16080 нафари билан уч томонлама шартнома имзоланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, корхоналарни керакли кадрлар билан таъминлашга ёрдам бериш мақсадида жойларда мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этиб келинмоқда. Ана шундай ярмаркалардан бири шу йилнинг 27 июнида Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежида ўтказилди. Эндиги навбат Навоий маданият ва санъат, Навоий техника-иқтисодиёт ҳамда Навоий тиббиёт коллежларига.

Дарвоқе, индустриал-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги ярмаркада 29 та корхона ва ташкилот 217 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирда коллежнинг 61 нафар битирувчиси ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори воҳа равнақида янги босқични бошлаб берди. Мамлакатимиз саноатининг таянч нуқталаридан саналган вилоятда айни пайтда Корея, Уммон, Сингапур, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар, компания ҳамда уюшмалар ҳамкорлигида 19 та лойиҳа амалга оширилаётир.

ИШОНЧГА ЯРАША

Умумий қиймати 190 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳалар ўз навбатида 1,5 мингта янги иш ўринлари яратилишига имкон беради. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 800 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, маҳсулотларнинг 50 фоизи экспортга йўналтирилади. Келгусида фаолият кўлами янада кенгайтирилиб, қўшимча лойиҳалар юзасидан ҳамкорлик ишлари давом эттирилади.

Муҳими, ташкил этилаётган корхоналар юзлаб маҳаллий ёшларнинг бандлигини таъминлайди. Уларнинг манфаати эса касаба уюшмалари томонидан ҳимояланаётир. Лойиҳа асосида фаолият бошлаган ҳар бир корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиб, аъзолар манфаати устуворлик касб этаётир.

Бу ҳақда «Telecom innonations» қўшма корхонаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ў. Абдуллаев шундай дейди:

— Корхонамизда 39 нафар ходим ишлайди. Фаолият юритаётганимизга кўп бўлмаган бўлса-да, аъзоларга яхши меҳнат шароити яратишга эришмоқдамиз. Кўпнинг ишончига сазовор бўлиш, албатта, осон эмас. Шунинг учун яқин кўмакдош сифатида касбдошларимнинг ҳар бир мурожаатини ўрганишга, имкон қадар ечим топишга интилаяпмиз. Хусусан, меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашлар саломатлигига алоҳида эътибор берилиб, турли спорт мусобақалари ва бошқа маданий-оммавий тадбирларда касаба уюшмалари ташкилотчи бўлаётир.

Қиш ва ёз кунларида ишчиларга тегишли шарт-шароит яратилган. Кийим-бош, пойабзал, қўлқоп ҳамда махсус гигиена учун зарур воситалар бериб борилаяпти. Дам олиш, «Маънавият ва маърифат» хоналари мавжуд, спорт машғулотлари учун барча қулайлик яратилган.

Ўз мухбиримиз

ОҒУШИДА

ларни эрта аниқлаш учун скрининг текширувлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ҳозир туғиладиган болалар ўртасида ўлим ҳолатининг, болаликдан ногиронликни, ирсий ва наслий касалликларнинг кўпайишига йўл қўймаслик, шу тариқа соғлом оилани вужудга келтириш ҳаракати кенг миқёсда давом эттириляпти. Туғиш ёшидаги аёлларда темир моддаси, фолат кислота, йод танқислигининг олдини олиш учун маҳаллаларда тиббиёт ходимлари томонидан тадбирлар олиб борилаётир.

Боймурот Ниёзов, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Бутун фаолиятини хайрли ишларга бахшида этган, ўзгалар саломатлиги ҳақида ўз саломатлигидан кам қайғурмайдиган шифокорлар хизмати таҳсинга сазовор. Улар меҳнатини муносиб баҳолашда тизимимиз бошланғич касаба уюшма қўмиталари ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Вилоятда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий шерикликни, маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш борасида яхши натижаларга эришиляпти. Жумладан, тиббиёт ходимлари тармоқ келишувига асосан тўлиғича тиббий кўрикдан бепул ўтказилди. Барча даволаш профилактика муассасаларининг зарарли иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ташкиллаштирилди.

Тизим ходимлари ва уларнинг оилаларига ижтимоий-иқтисодий, маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган 6 ойида 172 та кам таъминланган оилага бошланғич касаба уюшма ташкилотлари маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномалари орқали 3 ёшгача фарзанди бор, ишлаётган ходимларга қисқартирилган иш куни белгиланишига эришилди. 380 нафар ходимга республикамизнинг қадимий қадамжолари бўйлаб саёҳатлар ташкил қилинди. Тармоқнинг 100 нафардан зиёд ходими турли сиҳатгоҳларида ўз саломатлигини тиклаб қайтган бўлса, болалар оромгоҳларида уларнинг 125 нафар фарзанди соғломлаштирилаётир.

Тизимимиз ишчи-ходимларини спортга жалб этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига асосан ташкил қилинган веломарафонда тармоқ ходимларидан 100 нафардан ортиқ кўнгилли спортчилар иштирок этди. Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда барча шаҳар ва туманларда спортнинг шахмат-шашка, бадиий гимнастика, волейбол турлари бўйича мусобақалар ташкил қилинаётир. Айни пайтда жойларда «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақаси ўтказилаётир.

Иброҳим Жумаев, Навоий вилоят «Саломатлик» газетаси таҳририяти бош муҳаррири:

— Ҳар бир ҳудудда, қолаверса, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини яратиш, турли иллатларга қарши курашда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни беқиёс. Олдимизда турган вазифаларни изчил амалга ошириш борасида саҳифаларимизда тизим ишига доир турли мавзуларда ранг-баранг мақолалар бериб боряпмиз.

Бевосита вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, унинг шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари фаоллари ҳамкорлигида бошқа ҳудудий газеталар орқали ҳам кенг оммага тиббий тушунчалар бериб борилмоқда. Шунингдек, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар ташкил қилинмоқда. Аҳоли билан учрашув, давра суҳбати, семинар ва савол-жавоб кечалари таъсирчан ҳамда эсда қоларли тарзда ташкил этилаяпти. Зеро, давр бу борадаги ишлар кўлами ва таъсир чораларини янада кенгайтиришни тақозо этаётир.

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Акмал ТОШЕВ ва Мансур АЛОВУДДИНОВ тайёрлади.

Ishonch
2014-yil 24-iyul № 90 (3439)

Фавворанинг сеҳри ўзгача



ФАОЛЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Шу йил 22 июл куни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги III конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда мазкур ташкилотнинг ҳудудий бўлинмаларидан сайланган делегатлар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияда уюшманинг ўтган беш йиллик фаолияти атрофлича муҳокама этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий медиа соҳани равнақ топтириш, унинг эркин фикр минбарига айланиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган ўнга яқин қонун ҳужжати фуқароларнинг ахборот олишга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, журналист касбининг жамиятдаги ижтимоий мавқеи ва мақомини тобора юксалтиришда асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўз Низомида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳа ходимларининг билим ва касб маҳоратини оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўтган вақт мобайнида уюшма қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда миллий журналистикани жаҳоннинг илғор тажрибалари асосида ривожлантириш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш учун яқиндан кўмаклашишга оид медиафорумлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этди. Шу билан бирга, соҳага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ижросини таъминлашни назорат қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Уюшма қошидаги олимлар, тажрибали журналистлар, эксперт-лардан иборат мониторинг гуруҳи жамиятимиз ҳаётига оид энг долзарб ва ўткир масалалар кўтариб чиқилган материалларни атрофлича таҳлил этиш ва иджодкорларга зарур тавсиялар беришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азиз» каби танловлар соҳада самарали фаолият юритаётган фаол ва изланувчан ходимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда.

Конференцияда бугунги глобаллашув замонида уюшма фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Конференцияда ташкилий масала кўриб чиқилди. «Ўзбектелефилм» давлат унитар корхонаси директори Иброҳимжон Ҳалимбеков Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири Ўктам Мирзаёров мазкур ташкилот раисининг ўринбосари этиб сайланди.

ЎзА

Кўрик-танлов

Қувасой педагогика ва иқтисодиёт коллежи ахборот-ресурс марказида «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ташкил этилди. Унда Фарғона, Сўх туманлари, Қувасой шаҳар касб-ҳунар коллежлари вакиллари қатнашди.

МАЪРИФАТЛИ, МАЪНАН ЕТУК

Қизғин кечган беллашувда қатнашчилар ёшларни илм-маърифатли, жисмонан соғлом ва маънан етук инсон этиб вояга етказиш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, юртимизда маънавиятли оилаларни янада кўпайтириш борасидаги билим ва тажрибаларини намойиш этдилар.

Натижаларга кўра, Фарғона тумани транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биринчи, Қувасой шаҳар саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи иккинчи, Фарғона тумани Лоғон агросаноат касб-ҳунар коллежи учинчи ўринга сазовор бўлди.

Тадбир якунида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан ғолиб ва фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ёз — 2014

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Х.Қулниёзов номли оромгоҳ базасида «Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи» ташкил этилди. Унда фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларида юқори натижаларга эришган 100 нафар иқтидорли ўқувчи вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маблағи ҳисобидан дам олиш имконига эга бўлди.

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи

Ушбу масканда болажонларнинг кўнгилдагидек дам олиши учун касаба уюшмалари томонидан 13 млн. сўм ажратилди. Оромгоҳ сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган. Турли тўгараклар, «Маънавият ва маърифат» хоналари, кутубхона, сузиш ҳавзалари ҳамда турли спорт майдончалари дам олувчилар хизматида.

Мавсум давомида оромгоҳга малакали мутахассислар жалб этилган бўлиб, болажонлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар ходимларининг назорати ўрнатилган.

Фарзандларимиз сўлим масканда таътил даврини мароқли ўтказмоқдалар.

Холбўта ДОСОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича мутахассиси

«Соғлом оила» шиори остида

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила» оилавий спорти ҳамда «Спорт — саломатлик гарови» спартакиадаси изчиллик билан ўтказиб келинаётир. Жумладан, тизимга қарашли 30 дан зиёд корхона ва ташкилотларда шундай мусобақалар ўтказилиб, уларда 500 дан зиёд ходимлар спортнинг мини футбол, шахмат ва шашка, волейбол, стол тенниси каби турлари бўйича иштирок этишди.

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оила аъзоларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини кундалик турмуш тарзига айлантириш, улар саломатлигини тиклашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этиб келинаётган «Соғлом оила» мусобақаларининг биринчи босқичи тумандаги олтита тармоқ ташкилотида ўтказилди. Унда 14 нафар оила спортнинг тўртта тури бўйича беллашди. Улардан энг яхши кўрсаткичга эга бўлган 6 та оила мусобақанинг навбатдаги босқичида иштирок этди.

Қизғин баҳсларда1- ва 2-ўринни олган жамоалар мусобақанинг шаҳар босқичида иштирок этиш имконига эга бўлишди.

Лола ИСМАТОВА,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Олмазор туман кенгаши раиси



«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг режасига мувофиқ Сирдарё вилоятида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида корхона, ташкилот, муассасалардаги меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида «Соғлом оила» шиори остидаги мусобақалар кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.

ҲАМ КЎЧА, ҲАМ КЎНГИЛ ОБОД

Боёвут тумани ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси томонидан «Ёшлар» истироҳат боғида ташкил этилган оилавий мусобақада иштирокчилар югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга ташлаш, «чаққонлик ва мерганлик» эстафетаси, «моҳир ҳужумчи», «овчилар ва қуёнлар» ўйини, «қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз», кўпкураш бўйича ўзаро беллашдилар.

— Касаба уюшмаси ишловчиларнинг ғамхўри ва суянчидир, — дейди тадбир иштирокчиси М.Ҳалимова. — Бирор байрам йўққи, касаба уюшмаси ташкилотчилиги сезилмаса. Қолаверса, нуфузли ташкилот томонидан ўтказилган велопойга, спартакиадалар соғлом турмуш тарзини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мусобақада энг юқори натижага эришдик. Ота-оналар фарзандлари нигоҳида доимо кучли бўлиб кўринишлари керак, чунки навниҳол болага яқин одамларигина ибрат намунаси бўла олади.

Бошқармада 108 нафар ишчи-ходим бўлиб, уларнинг асосий иш фаолияти ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация тизимининг мукаммал ишлашини таъминлашдан иборат. Бу борада жамоа бир тан-у бир жон бўлиб иш олиб бормоқда.

Бошқарма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2012-2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида ходимларни ишлаб чиқаришда самарали меҳнат қилиши учун шарт-шароитлар яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий кафолатлар, хотин-қизлар ва ёшларга имтиёзлар бериш каби мажбуриятларнинг бажарилишига эътибор қаратилган.

— Йил бошидан буён жамоа шартномаси орқали кам таъминланган 7 нафар оилага моддий кўмак берилди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида 8 нафар меҳнаткашлар фарзандларига оромгоҳларда дам олиши учун йўлланмалар ажратилди, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Нилуфар Ҳайитова.

Айни кунларда жамоада мустақиллик байрамининг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиорини ўзида мужассам этган ташкилий, амалий ва маданий-маърифий тадбирлар ҳамда байрамолди тайёргарлик ишларида касаба уюшма фаолларининг иштирокини таъминлаш, байрамни юқори савияда ўтказишга кўмаклашиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

ОЛТИ ҲУДУД — ОЛТИ ЖАМОА

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хўжаобод туман кенгаши томонидан «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди.

Жамоалар дастлаб олти ҳудудга бўлинган ҳолда ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Ғолиб чиққан 6 та оила аъзолари спортнинг 8 та тури бўйича ўзаро беллашди.

Мусобақа якунларига кўра тумандаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Илёсбек Ҳомидов ва 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Комилжон Ниёзов оиласи ғолиб деб топилди ва улар мусобақанинг вилоят босқичига йўлланма олишди.

Ғолиблар муносиб рағбатлантирилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Мустақиллик беадад имкониятлар қатори, элимизга муқаддас динимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизни қайтарди. Муҳтарам Президентимиз истиқлолнинг илк кунлариданоқ Рамазон ва Қурбон ҳайитларини умумхалқ байрами сифатида ўтказиш ҳақида фармон чиқарди. Муаззам пойтахтимизда Ислом университети очилди. Барча ҳудудларда жоме масжидлар ишлаб турибди. Ҳаж ва Умра амалларини адо этишга кенг йўл очиб берилди.

ДУОГА ОЧИЛГАН ҚЎЛЛАР

Рамазони Шариф кунларида кўпчилик мусулмонлар савоб умидида рўзадорларга ифторликлар қилиб беришмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз ва бева-бечоралар ҳолидан хабар олиниб, имкон қадар меҳру саховат кўрсатилмоқда.

Дунёда иқтисодий инқироз давом этаётган таҳликали паллада бундай масъулиятли ишларни оғринмай ҳар куни амалга ошириш чинакам олижаноблик нишонасидир. Хайрли амалларга ҳамиша ҳамқадам бўладиган инсонпарвар халқимиз ҳар доим омон бўлсин.

Қишлоғимизда Яссавия тариқати жонкуярларидан Хожа Саид Аҳмад ибн Қусам номига Соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд эттирилган қўшгумбазли мақбара жойлашган. Ҳазрати Кўк ота лақаби берилган у зотнинг табобат бобида ҳам эришган натижалари ҳали-ҳануз оғиздан-оғизга кўчиб келади. Истиқлол шарофати билан мазкур обида тубдан таъмирланиб, ҳомийлар кўмагида халқимизнинг муборак қадамжоларидан бирига айлантирилди. Рамазон ҳайити куни бу ерда юртдошларимиз жамланиб, юртимизга осойишталик, элга тўкин-сочинлик тилаб, дуога қўл очишади. Куннинг иккинчи ярмида эса саховатга муҳтожлар хонадонлари яна бир карра эсланади.

Гайрат ХАЙДАРОВ,
Нарпай туманидаги Кўк ота жоме масжиди имом-хатиби

Шифокор табиат

Асал табиатнинг чинакам мўъжизавий неъмати ҳисобланиб, таркибида инсон организмига ўта зарур ва фойдали юздан ортиқ биологик моддалар бор. У қадим-қадимдан турли касалликларни даволашда, одамларнинг соғлом ва бақувватлигини таъминлашда беназир даво воситаси бўлиб қўлланилган. Асаларининг қай тарзда парвариш қилиниши, умуман, унинг хусусиятлари ҳақида Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги Янгиёп маҳалласида 35 йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Баҳодир Рўзметов билан суҳбатлашдик.

Ҳаёт шарбати

таркибида юздан ортиқ биологик моддалар мужассам

— Барчамизга аёнки, асалари парваришлаш, асал етиштириш инсондан катта меҳнат, сабр талаб этади. Айтинг-чи, асаларичиликка меҳр қўйишингизга нима сабаб бўлган?

— Ёшлигимдан асаларининг ҳаёт тарзи, уларнинг уя қуриш, гулларга қўниб, асал йиғиши менда катта қизиқиш уйғотган. Ари парваришлаш кишидан алоҳида меҳнат талаб қилади. Тоза, сифатли асал олиш учун ҳашаротга гўзал табиатли жой танлаш зарур. Бизда уларнинг 80 қути уяси бўлиб, ҳар йил 1 тоннадан зиёд асал йиғамиз. Меҳнатимиз туфайли уйли-жойли бўлдик, тўйлар қилдик. Ҳозирда фарзандларимга касбим сирини ўргатиб келмоқдаман. Келгусида оилавий тадбиркорликни янада кенгайтириш ниятим бор.

— Соҳа сирларини кимдан ўргангансиз ва бугунги кунда ўзингизни устоз дея оласизми?

— Инсон, биринчи навбатда, назарий, кейин амалий билимга эга бўлади. Назарий билимни асаларичилик техникумида ўқиб юрган кезларимда устозларимдан олганман. Устозим Ражаббой Сапақовнинг ёрдами билан 1983 йилдан иш бошлаганман. Бугунга қадар 15 нафар шогирд етиштирдим. Улар ҳам ўз ишини кенгайтириб, устоз мақомига эга бўлишган. Шулардан Саломат Қодирова, Маркс Рўзметов, Полвонбой Абдуллаев санъаткор бўлишига қарамай асалари парвариши билан шуғулланмоқда. Асални йиғиб олишда кўпчиликнинг кўмаги зарур. Бунда фарзандларим, айниқса, келинларим Насиба ва Санобарга суянаман. Уларнинг «Отажон, биз ишингиз давомчиларимиз», деган гапи кўнглимни тоғдек кўтаради. 3 ёшли набирам Комронбекнинг ариларни яхши кўриши мени жуда хурсанд қилади.



— Асални минг дардга даво дейишади. Унинг хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Йил давомида асални ҳар куни 20-50 граммдан истеъмол қилиб бориш инсон организмида қон таркиби ва модда алмашинувини, шунингдек, юрак мускулларини мустаҳкамлайди, йўғон ичакдаги шамоллаш, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яраларнинг яхшиланишига сабаб бўлади. Камқонликда икки ой мобайнида истеъмол қилинса, чарчоқ барҳам топади, инсон ўзини бардам ҳис қилади. Деярли ҳамма касалликларни асал қўлланилади. Масалан, бир стакан сувга бир чой қошиқ асал қўшиб, икки дақиқа қайнатиб, совигач, кунига икки маҳал кўзга 2-3 томчи томизилса, кўриш қобилияти кучаяди. Асалли сув билан оғизни, томоқни ғарғара қилиш томоқ безлари шамоллашининг олдини олади. Ёш болаларга ухлаш олдидан бир чой қошиқ берилса, уларнинг асаб тизимини мустаҳкамлайди. Шунингдек, сил, йўтал, пневмания ва бронхит касалликларининг олдини олишда бирламчи даво усулидир.

— Баъзи касалликларга чалинган беморларнинг асалари чақтириш йўли билан даволанганини эшитганмиз. Шу ҳақда сизга мурожаат қилганлар бўлганми?

— Ҳа, мурожаат қилишган. Ари заҳри туфайли кўплаб одамлар шифо топган. Бунда ўзбошимчалик ярамайди. Бунинг учун махсус шифокор — апитерапевт маслаҳатига қулоқ тутиш лозим.

Асални меъёрида истеъмол қилиш инсон учун барча хасталикдан фориғ бўлишда муҳим рол ўйнайди.

Назокат МАШАРИПОВА,
журналист

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 18.00
Topshirildi - 18.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718
13934 nusxada bosildi
1 2 3 4